# *Ассалому алайкум, содиқ муштарий!*

Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 1 (463) 2006-yil 4-yanvar

***"Қадрли дўстлар!***

***Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолимизнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни, шарқона ҳикматга кўра, айни навқиронлик, балоғат палласига қадам қўямиз.***

***Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар ҳаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва сахийлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди".***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг "Ўзбекистон халқига Янги йил табриги"дан

**Робита**

*Янги йилнинг илк тилаги ижобат бўлади, дейишади. Биз меҳнаткаш улуғ ўзбек халқига КИТОБХОНЛИКни тилаймиз. Зеро, китобнинг фойдаси ҳақида барча яхши гаплар айтилган. Энди гап КИТОБНИ ЎҚИШда қолган. Ажабки, дунёда ҳамон китоб ўқийдиган мамлакатлар ҳар жиҳатдан юксалиб кетган. Ишонмасангиз, жамоатчи мухбиримизнинг йирик шаҳарлардан биридаги дўконлардан тайёрлаган репортажи билан танишиб кўринг.*



# ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

Россия пойтахти Москванинг китоб дўконлари шаҳардаги диққатга сазовор жойлар сирасига кириши шубҳасиз. Ҳар ҳолда, зиёли меҳмон учун шундай бўлиши турган гап. Чунки китобнинг кўплиги, ранг-баранглиги, дўконларнинг харидорлар билан тўлалиги диққатингизни тортмай қолмайди.

Ўтган ойда Москвада бўлганимда, бир қатор китоб дўконларида, жумладан энг катта савдо нуқталари ҳисобланган Янги Арбат ва Тверская кўчаларидаги дўконлардан китоб харид қилдим. Мени ҳайратга солган ҳолат фақат савдо расталарининг турли нашрлар билан тўлалиги эмас эди. Албатта, барча соҳалар бўйича эндигина «тандирдан узилган», чиройли қилиб безатилган юз минглаб китобнинг бир жойда кўришнинг ўзи қизиқ туюларкан кишига. Лекин энг муҳими китоб дўконларининг одамлар билан тўлалиги эди. Биласизми, китоб харид қилиняпти! Турли хил нашрларга эҳтиёж борлиги шундай сезилиб турибди.

Тверская кўчасидаги «Москва» китоблар уйи эрталаб соат 10.00 дан тунги соат 1.00 гача ишлашига нима дейсиз? Бир куни кеч соат ўнлар атрофида ушбу дўконда бўлиб, харидорларнинг кўплигига гувоҳ бўлдим.

Китоб дўконларида ҳар хил соҳалар каби журналистика бўйича ҳам хилма-хил нашрларни учратиш мумкин. Соҳамиз бўйича анчагина адабиёт мавжудлигини Янги Арбат кўчасидаги савдо марказининг биттагина китоб жавонидаги маҳсулот орқали тасаввур қилиш мумкин (суратга эътибор қаратинг).

Россияда матбаа ишининг ривожланганлиги, қоғознинг кўплиги ва анча арзонлиги мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юксалаётган шароитда инобатга олиниши муҳим. Бир томондан, Россияда нашр этилаётган илмий, техник, махсус, бадиий адабиётнинг марказлашган тарзда савдосини ташкил этиш, бошқа томондан эса, матбаачилик соҳасида қўшма корхоналар ташкил этиш айни муддао бўларди. Бу хусусий йўл билан Россиядан келтириб, қиммат нархда сотилаётган китобларнинг баҳосини тушириб, кўпчиликнинг улардан баҳраманд бўлишига имкон яратарди.

**Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ**

## *ГАЗЕТАМИЗНИНГ ҚАДРДОН МУШТАРИЙЛАРИ!*

**Қулоғингизга бир гапни шипшитиб қўймоқчимиз:**

*бу йил* **"HURRIYAT"** *газетаси 10 ёшга тўлади.*

**Шунингдек, кўплаб шонли воқеалар қатори**

***буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг 670 йиллиги нишонланади.***

***Таҳририятимизда бу саналарни муносиб шарафлаш учун қизғин тайёргарлик кетмоқда.***

**Янги рукнлар ташкил қилинади, ҳеч жойда эълон қилинмаган нодир маълумотлар фақат бизнинг газетамизда бериб борилади.**

***Шунинг учун "HURRIYAT"га обуна бўлинг!***

**Эзгуликнинг кечи йўқ, ҳали вақт бор.**

## ИШОНЧИНГИЗ — ИРОДАМИЗ

***Бизни қаерда, қанча эъзозлашади?***
***(Обунанинг ҳолати)***

| Ҳудудлар | 01.01.05 | 30.12.05 |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон | 14 | 78 |
| Андижон вилояти | 55 | 36 |
| Бухоро вилояти | 54 | 225 |
| Жиззах вилояти | 53 | 49 |
| Қашқадарё вилояти | 56 | 32 |
| Навоий вилояти | 55 | 44 |
| Наманган вилояти | 41 | 25 |
| Самарқанд вилояти | 311 | 734 |
| Сурхондарё вилояти | 127 | 104 |
| Сирдарё вилояти | 37 | 44 |
| Тошкент вилояти | 30 | 70 |
| Фарғона вилояти | 29 | 128 |
| Хоразм вилояти | 13 | 27 |
| Тошкент шаҳри | 167 | 356 |

## 2005 ЙИЛДА ЭНГ ФАОЛ МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

**1. Шодиёр ДАВРОН,**
***олим ва публицист***
**2. Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
***Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.***
**3. Виктор АЛИМАСОВ,**
***фалсафа фанлари доктори.***
**4. Абдурасул ҲАКИМОВ,**
***корекатурачи-рассом.***
**5. Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,**
***жамоатчи мухбир. Сурхондарё вилояти.***
**6. Равшан ТОШМУҲАММЕДОВ,**
***талаба.***
**7. Абдураҳим НАЗАРОВ,**
***фермер. Балиқчи тумани.***

## 2006 ЙИЛ КУТИЛАЁТГАН ШОНЛИ САНАЛАР

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги нишонланади.***

***Муассиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлган "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталари ташкил этилганлигига 15 йил тўлди.***

***Агар ҳаёт бўлганида йирик назариётчи олим, филология фанлари доктори, профессор Очил Тоғаев 80 ёшга, машҳур муҳаррир, таниқли публицист Аҳмаджон Мухторов 70 ёшга тўлар эди.***

***Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланади, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриляпти.***

**Ҳолат**

## ЯНГИЛИК ИСТАР КЎНГИЛ

Кўнгли яқин кишилар учрашганда саломлашиш, ҳол-аҳвол сўраш асносида «Қандай янгиликлар бор?» деган саволни беришади. Кўп ҳолларда «Тинчлик» деган жавоб янграйди.

Инсоннинг табиати қизиқ: ҳамиша янгиликка интилади. Рост-да, нуқул бир тарзда яшагандан кўра янги воқеаларга гувоҳ бўлиш қизиқроқ.

Янги йил арафасида-ку, қўяверасиз, ҳар кимнинг ички туйғуси янгиликни дилдан сезгандай бўлади. «Кўрасиз, январь бошлансин, кўп ўзгаришлар рўй беради» - бундай башоратни ҳар куни эшитиш мумкин. Шундай дегандан сўнг қўшиб қўйишади: «Ҳа, охири бахайр бўлсин!». Буям ниятнинг эзгулигидан. Ҳатто озроқ ташвишли янгилик рўй берса «Балки бу ҳам яхшиликкадир» деб қўйишади. Синамоқ ҳаққи, агар «Иккита янгилик бор, қайсидан бошлай?» десангиз: «Албатта, яхшисидан-да» дейишади. Худди яхши хабарни айтганингиздаги қувонч кейинги янгиликни босиб кетадигандай. Буям яхшиликнинг инсон қалбига яқинлигидан.

Умуман, «янгилик» деган ибора халқимизда кўп ҳолларда «яхшилик», «ижобий ўзгариш» деган маъноларни англатади. Шунинг учун бир-биримиздан доимо янгилик суриштирамиз.

«Бугун шаҳримизда фалон иншоот очилди, шунча киши ишли бўлди» - Бу янгиликни эшитган ҳар қандай юртдошимиз: «Яхши бўлибди, қудратимиз ошгани айни муддао» дейди. Биз эса кўнглимизда орзиқиб деймиз: қани эди, шундай янгиликлар кўпроқ бўлса. Дарвоқе, шундай ўзгаришларнинг воқеликка айланиши учун мен нима қилдим? Сиз-чи, ёнингиздаги ҳамкорингиз-чи? Агар шу саволни ҳар ким ўзига берса ва хижолат тортмаслик учун ҳаракат қилса, ҳаётимизда яхши янгиликлар янада кўпайиб боради.

Нима дедингиз? Қандай янгиликлар бор?

**Шухрат ЖАББОРОВ**




О.ВОСИХОНОВ чизган

**Қизиқ**

## АҚЛЛИ БОЛАЛАР ЙИЛ БОШИДА ТУҒИЛАДИ

Йилнинг дастлаб уч ойида туғилган болалар, йил охирида туғилганларига нисбатан кўпроқ илм олишга чанқоқ бўларкан. Яқинда Норвегияда ўтказилган тадқиқотлар натижасида олимлар шундай қарорга келдилар. Осло университетининг олимлари ўтказган бу тадқиқот 14 ёшдан 15 ёшгача бўлган, 6752 нафар норвегиялик болалар ўртасида олиб борилди.

Олимлардан бири Ларс Лиен «мен ўртадаги тафовутдан ҳайрон қолдим», деб ёзади Дагблат рўзномасида. Бундан ташқари натижалар шуни кўрсатдики, октябрь, ноябрь ва декабр ойларида туғилган болалар йил бошида туғилган тенгдошларига қараганда, ўзгалар билан мулоқот қилишда, янги дўстлар орттиришда ҳам анчагина қийналишаркан.

Бу борада айрим сабаблар инобатга олинмаганлиги туфайли, Лиен яна такрор тадқиқотлар ўтказиш зарур, дея таъкидлаган.

**«ИНТЕРНЕТ»**

**Таклиф**

## КЎПРОҚ ТАРЖИМА ҚИЛИНСА

Тўғриси, адабиёт ва санъат кишилик тарихида муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Суфизода, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқа шоир ва ёзувчиларимиз ижоди биз ёшлар учун билим, одоб ва ахлоқ, инсонийлик, она Ватанни севишга чорлайдиган туганмас манба сифатида абадул-абад ўрганишга лойиқ бўлиб келмоқда.

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, биз, айниқса, ёшлар бугун жаҳон адабиётини қўя турайлик ён қўшниларимиз — тожик, туркман, қозоқ, қирғиз ва ҳатто, қорақалпоқ адабиётини яхши биламизми?, деган савол пайдо бўлди.

Болтиқ бўйи, Кавказ халқлари адабиёти ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ёки билсак ҳам, бир-иккита машҳурларини биламиз, холос. Нега шундай? Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Бу, биринчидан, бошқа шоир ва ёзувчиларнинг асарлари тилимизга кам таржима қилинишида, рус тилига таржима қилинганларни эса ўқий олмаслигимизда, деб биламан. Ахир ўйлаб кўринг ўз адабиётини ва санъатини мукаммал билиш билан бирга қардош адабиётларини ҳам яхши билиш зарар эмаску.

Шу боис ҳам, журнал ва газеталарда "Қўшниларимиз адабиёти" ёки "Гулдаста", "Қардошларимиз адабиёти" каби рукнлар очилса. Бунда қардош адабиётларнинг тарихи, ҳозирги куни, кино ва эстрада санъати юлдузлари ва ҳоказолар ҳақида мақолалар бериб борилса, айни муддао бўларди. Шу билан бирга ёш шоир ва ёзувчиларимиз билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказиб турилса... Ёки адабий нашрларимиз ҳар йили бир марта ўз мавқеидаги газета ва журналлар билан саҳифалар алмаштирсалар ҳам ёмон бўлмасди.

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ**

**Туйғу**

***Ҳаёт фақат гулга бурканган бўстон эмаски, доимо ранго-ранг гўзалликлар ичида яшасанг! Ахир дунёда жон койитмай, шунчаки яшаб бўлмайди. Инсон учун энг қадрли нарса нима — жавоб беришга шошасиз, ҲАЁТ деб! Албатта, Ҳаёт! Чунки бизнинг барча қувончларимиз бизнинг бахтимиз, жамики умидларимиз — ҲАЁТ.***

# СИЗГА ЭЗГУЛИК СОҒИНДИМ

Рўпарамда турган ям-яшил арчани ўйинчоқлар билан безатар эканман, йилни кутиб олишимизни ўйлаб, кўнглим чўкди. Кўзларимдан томган ёш қўлимдаги қўғирчоққа тўкила бошлади. Қўғирчоқ, чиройли, ранг-баранг, кулиб турибди. У ҳам кимларгадир керак! Завқу шавқ улашмоқлик учун. Нечундир ўзимни шу лаҳзада кераксиздек сездим... Нима мен йиғлаяпманми?

Хаёллар учқур от, жиловлай олмай қоласан киши. Наҳот шу йил ҳам бизни ташлаб кетаётган бўлса?! О! Ҳаёт! Яна қандай нағмаларинг бор сени, севган, севимли, азобли ва аламли кунларим. Ўтган ишга афсусланиш ярамайди, бизга қийинчиликлар туғдирган ўзгаришлардан нолимаслик керак, чунки ўзгаришлар ҳаётнинг асосий шартларидир. Эслайман: биз неча йиллар олдин янги йил байрамидаги Қорбобо ва Қорқизларга, мўъжизаларга, уларнинг мавжудлигига ишонардик. Янги йил кечасида Қорбобонинг менга чиройли совға олиб келишини астойдил кутар ва кута-кута ширин орзулар исканжасида ухлаб қолар эдим. Тонгда турганимда эса мен кутган ажойиб совға ёнимда бўлар, мен уни ҳақиқатдан ҳам Қорбобо келтирган, дея чунонам хурсанд бўлардимки. Қорбобонинг совға ташлаб кетишлари ҳар янги йилда такрорланарди. Қандайин беғубор, софдиллик барқ урган онлар... Ўзига яраша сирлиликни ҳис этган ва Қорбобою қорқизларнинг ширин ёлғон эканлигини англай оладиган даражада бўй тортиб қолсам ҳам Қорбобо менга қўғирчоқ совға қилишини канда қилмади. Лекин ўша мубҳам келган янги йил... Кўзим соат милларига қадалганича эрта тонггача ухламадим. Йўқ! Мени ҳар йили қалбимга бир олам шодлик улашадиган ўзгариш рўй бермади. Даҳшат! Бу менинг чинакамига кўнглимнинг даҳшати эди. Қалбим унсиз фарёд қила бошлади. Йўқ, совға этилмай қолинган қўғирчоқ учун эмас... Шукуҳли онларингни энг яқин инсонларинг билан баҳам кўрмоқлик бахти асил мўъжиза экан, Тошкентдан Фарғонага борганимда ҳар гал дилим чуқур соғинчнинг ҳиссини туяди. Яқинларингизни йўқладингизми, азизим. Оҳ, тупроқдан изладим соғинчларимни...

Теграмга назар солдим. Дунё ҳайратлар олами, демакдир. Дарҳақиқат, мен унинг ёлғонларидан ҳам, ҳақиқатларидан ҳам ҳайратланиб яшайман. Комиллик сари йўлнинг юксак пиллапояларини босаётганимда кимдир ҳавас ила, кимдир ҳасад ила боқди. Ўтган кунлар хотирангга мудом ёпишиб олиб, гоҳи яхши, гоҳида ёлғон лаҳзаларни титкилаверади. Ҳаётни айблаймиз, у бешафқат, у аёвсиз, деб. Йўқ! Эй, азизим! ҲАЁТ Сизу мендан, яъниким инсонлардан иборат! Уни айбламоғимиз ноўрин, унга эмас, ўзимизга баҳо берайлик! Куфр, кибр, нафснинг қулларига айланиб қолган кунларимизга ҳайф! Покиза, самимий оқибат, ҳурмат, биродарлик, муҳаббатли кунларимиз учун шукрона!

Ўтмиш ва бугуним — ҳаётим саҳифалари. Умр саҳрою довондан, чўлу бўстондан аста йўртиб бораётган карвон мисоли. Балки шодлигу кулгуларингизни, балки дарду аламларингизни, армонларингизни ортмоқлаб кетаётган бўлса, не ажаб!

Мен тақдиримнинг ўтган лаҳзаларидан нолимадим, фақат айрим инсонлар орасида орадаги меҳр-оқибат кўтарилаётганлигидан афсусландим. Йироқларда соғинаётганимиз муштипаргина волидамизни, "болам", дея ифтихори баланд отамизни йўқлайлик, зеро, бу йўқловлар хотимаси — фарзандларимизнинг сизу бизни йўқлашидир. Қаранг, йўлакда бир мажруҳ гул йиғламоқда, ниманинг нишонаси бу — рад этилган муҳаббатнингми?.. Ёйинки, сен кимнидир кутсанг-да, у ўзгани йўлларига интизор бўлса...

Ҳаёт ўзи шундай, унинг биз бўйсунадиган ва бўйсунмайдиган қонуниятлари бор! Вақтнинг учқур тулпори эса ўтаверади, ўтаверади... Йўқ, бундай ўтириш ярамайди, ахир бугун байрам, янги йил! Эртага ҳаммаси яхши бўлишига ишонсам, бас! Ўтган дилозорли кунларимнинг ҳаммасини ёмон бир туш, деб қўйдим. Эшик қоқиб кириб келган бахтли кунларимга санолар айтдим.

Мен сизга кераكман мудом, ахир яқинларингнинг меҳрини сезиш, севган инсонингни соғиниш ҳам, бирга бўлган куннинг ўзи ҳам байрам, янги йил, янги кун-ку!.. Тоғдек қадди мағрур ота-онамиз, жону жигарларимиз, дўсту биродарларимиз ва кўнглимизнинг эгаси — сиз ва сизларга самимий эҳтиром ила кўнглимнинг қутлуғ тилакларини изҳор айлаган ҳолда,

***ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН...***

**МАҲФУЗА**

## "Hurriyat"-10

**Маълум қилганимиздек, газетамиз ўзининг 10 ёшини кутиб олаяпти. Ўтган йиллар иккиланиш ва хатоларга, англашилмовчилик ва эътирофларга, баъзан кутилмаган илтифотлару, ўзбекча қилиб айтганда, емаган сомсага пул тўлашга ўхшаш зиддиятли ҳолатларга бой бўлди. Бу ҳолни "Hurriyat"ни ўзига дўст билган ориф одамлар тасдиқлаши мумкин. Халқимизда тўй муносабати билан барча гиналарни унутиш сингари гўзал одат бор. Инчунун, бу илтифот саҳифаларимизда эътироф этилгусидир.**

**"Hurriyat"да бир-бирини такрорламаган кўплаб ижодкорлар умргузаронлик қилди. Жумладан, Хуршид Дўстмуҳаммад 1997-2002 йилларда унга етакчи бўлди. Биз ўтган кунларимизга таъзим қилган бир шуур билан қуйидаги мақолани эълон қилар эканмиз, унда билдирилган барча эзгу тилакларга қўшиламиз.**

**Демак, биринчи учрашув...**

# МЕҲНАТ ИЛА ЧАРХЛАНГАН ТАЛАНТ

Қарийб 40 йилдан буён бир-биримизни яхши биладиган дўстимиз Хуршид Дўстмуҳаммад ҳақида ўйлаганимизда машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг "Ҳар қандай талант фақат меҳнат билангина юзага чиқади", — деган доно фикрлари беихтиёр хаёлимиздан ўтади.

Хуршид билан танишган дастлабки кун ёдимиздан чиқмайди. Ўшанда у бир нечта курсдошларини талабалар шаҳарчаси биқинида жойлашган кичик ҳовлиларига таклиф этган эди.

Қишлоқда вояга етган ва яқиндагина шаҳарга келган бизлар учун саранжом-саришта, тартибли бу шаҳар-ҳовли ҳавасимизни келтирган эди.

Дарвозадан ҳовлига киришимиз билан махси тикиб ўтирган, соч-соқолларига оқ оралаган, кичик жуссали бир нуронийга кўзимиз тушди. У кишига одоб билан салом бериб, қўлларини олдик.

— Бу киши дадамлар, — деди Хуршид чеҳраси кулиб, юзларидан нур ёғилиб турган қария билан бизни таништирар экан.

Ўшанда бизнинг ҳолатимиздан, ўзимизнинг тутишимиздан, хаёлимиздан кечган фикрларни илғаб олган экан чоғи, бироз суҳбатлашганимиздан кейин кўнглидаги фикрларини шундай ифода қилдилар.

Меҳнат ҳаёт чироғига ёғ қуйиб туради, дейишади. Мен ҳам ана шу ақида асосида яшашга ҳаракат қиламан. Қолаверса, косиблик қилиб махси тиксам, шу буюм кимгадир асқотишини, шу туфайли оиламга, одамларга нафим тегаётганидан ўзимни бахтиёр сезаман. Орадан қанча йиллар ўтган бўлишига қарамай, отахоннинг бу мулоҳазалари хаёлимиздан кўтарилмайди.

Устозимиз, журналистика факультети домлаларидан бири Мухтор Худойқуловнинг бир яхши одати бор эди. Ҳар йили биринчи босқич талабаларидан эркин мавзуда иншо ёздиради.

Уларга уч хил баҳо қўяди: "дуруст", "яхши", "қойил!".

2 соатдан зиёд вақт ажратилган синовда биров беш, биров 10 бет ёзганди. Бўйи-басти кичикроқ бўлишига қарамай, жуссаси пишиқ, гўё "қалайсизлар энди" дегандек сизга бироз қувлик билан тикилиб турадиган зийрак кўзларидан билимга чанқоқликни англаш қийин бўлмаган Хуршид борийўғи бир ярим бет ижодий иш ёзган экан.

"Қойил!" баҳосига 3-4 киши сазовор бўлганди. Шулардан бири Хуршид эди. Мактаб ва маҳалла ҳаётидан кичик лавҳалар ёзиб юрган Хуршидга Мухтор ака "шу боладан келгусида бир нарсалар чиқади-ёв", деб қўшиб қўйганди.

Охирги курсларга ўтганимизда Хуршид вақтнинг қадрини янада қадрлайдиган, кам ёзиб, кўп ўқийдиган бўлди. Ҳар хил ўтиришлар, айниқса, иккинчи даражали дарслардан



"қуён" бўлиб қоларди. Баъзан қувониб келиб қоларди: "Филологларга қўшилиб Талъат Солиҳовнинг жаҳон адабиётидан 2 пара дарсини тинглаб келаяпман. Ажойиб маъруза".

Хуршид меҳнат фаолиятини "Фан ва турмуш" журналидан бошлади. Унинг журналист ва раҳбар бўлиб шаклланишида "Ёш куч" журнали бош муҳаррири ва жамоасининг ҳиссаси катта бўлди. Хуршид, айниқса, мустақиллик йилларида ўз талантининг янги қирраларини намоён этди. "Ҳуррият" газетаси, "Ўзбекистон матбуоти" журнали унинг раҳбарлигида севимли нашрлардан бирига айланди.

Шу кунларда Хуршиднинг китобхонлар томонидан севиб ўқиладиган ёзувчилар сафидан ўрин олишидаги муҳим омиллардан бири, шубҳасиз, унинг вақтни қадрлаши, меҳнатсеварлиги, дадалари айтганидек, ўз ҳунарини чин дилдан севиши десак, янглишмаган бўламиз.

Хуршиднинг ижодга бўлган чуқур ихлосини исбот этишнинг ўзи ортиқча, деб ўйлаймиз. Айрим ижодкорлар ҳаётда амал курсисини эгаллагач, ижодни амал билан алмаштириб юборганининг гувоҳи бўлганмиз.

Хуршиднинг кейинги йилларда Олий Мажлис депутати ва раҳбарлик фаолиятида бунинг аксини кўриб унга ҳавасимиз келади.

Зеро, унинг кейинги йилларда "Нигоҳ", "Ҳовли этагидаги уй", "Паноҳ", "Ором курси", "Соф ўзбекча қотиллик", "Жажман", "Ибн Муғонний", "Ёлғизимсиз", "Маҳзуна" каби қатор китоблари, "Бозор" романи, долзарб мавзуларда ёзилган мақолалари фикримизга асос бўла олади.

Унинг таржимон, адабиётшунос олим сифатидаги фаолияти ҳам Хуршиднинг нақадар сермаҳсул ижодкор, меҳнатсеварлигидан далолат беради.

Меҳнатсеварлик ота мерос бўлган Хуршиднинг фақатгина журналистик фаолияти ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, унинг мақолалари сермазмунлиги, қизиқиб ўқилиши, фикрий теранлиги, энг муҳими қисқа ва равонлигидан ташқари ҳали бошқалар ўйлаб етмаган мавзуларни кўтариб чиқиши билан ажралиб туради.

Яқинда "Халқ сўзи" газетасида унинг қўл телефонлари ҳақида ихчамгина мақоласини ўқидик. Қаранг, қўл телефонлари ҳақида шундай мақола ёзиш кимнинг, қайси журналистнинг хаёлига келибди, дейсиз... Қўл телефонининг ҳозирги ривожланиб бораётган даврда чексиз аҳамиятини кўрсатиш билан бирга турмушнинг айрим лаҳзаларида инсонлар учун унинг зарарли жиҳатларини ҳам ишончли очиб берган. Албатта, ҳаётдаги бундай ҳолатларни илғаш, уни сезиш ва бу ҳақда маромига келтириб ёзиш, ўз фикрини кенг газетхонларга манзур эта олиш журналистдан катта маҳорат талаб қилади.

Хуршид ҳақида гап кетганда унинг яна бир ўзига хос жиҳати — ҳаётда доимо меъёрга амал қилиб яшаш фазилати ҳақида гапирмасдан иложимиз йўқ. Қалб ва жисм поклиги, унинг соғломлиги, доимий чиниқиб боришида спортнинг аҳамияти ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Хуршид ёшлигидан спортга меҳр қўйди. Айниқса, эркин кураш, шахмат ва футбол унинг доимий ҳамроҳи бўлди. Шу боис биз Хуршид жисмида бирон ўзгаришни сезмадик. У бундан 40 йил аввалги вазнини деярли сақлаб қолди. Раҳбарлик лавозимлари унинг қалбига таъсир қилмаганидек, жисмига ҳам таъсир ўтказа олмади.

Эҳтимол, нафақат ҳаётий муносабатлар, балки нафсдаги меъёрийлик, жисмни тоза ва соғлом тутишга бўлган ҳаракат унинг ҳаётда ўзини бир қолипда сақлаб юришига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Хуршид Дўстмуҳаммад ўз адабий фаолияти билан китобхонлар эътиборини ва ҳурматини қанчалик эгаллаган бўлса, дўстлари қалбини ҳам шунчалик забт этди.

Зеро, халқимиз ўз фарзандларини доимо унинг таланти, меҳнатсеварлиги ва камтарлик хусусиятларига қараб эътироф этади ва эъзозлайди.

**Ўрол ЎТАЕВ,**
**Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ**

## Ҳамкасб

# МУХБИР БИР КУНИ...

## УЛОВИДАН ТУШОВИ...

Ишхонамизда бир ўқитувчи аёл бор. Дунёқараши кенг, анча билимли аёл. Бўш вақтларида ижод билан шуғулланади. Ёзганлари республика матбуотида тез-тез босилиб туради. Қалам ҳақи уни унчалик қизиқтирмайди (кўпроқ бўлса жон, деб олади). Оддий хабар бўлса ҳам матбуотда чоп этилса, бас, шунисидан хурсанд бўлиб юраверади.

Кунларнинг бирида қайсидир газетанинг масъул котиби унинг уяли телефонига тушиб, қалам ҳақини олиб кетишини уқтирибди. Юмушлари кўпайиб боролмагач, эртаси куни яна қўнғироқ қилибди. Ишлар билан андармон бўлиб, пул олиш эсидан чиқиб кетган шекилли, ўша нашрнинг ҳисобчиси, ундан сўнг бош ҳисобчиси муаллифнинг уйидан тополмагач, "Тезроқ келиб 520 сўмлик қалам ҳаққингизни олиб кетмасангиз бўлмайди, "ведомост"ни ёполмай турибмиз", дея қўл телефони рақамини қайта-қайта терибди.

Қалам ҳақи микдорининг қанчалигини эшитган муаллиф "бориб олишга арзимас экан, йўлини қилиб ўзларинг олиб қўяверинглар, мен розиман, деб "сотка"сини ўчириб қўйибди. Ҳисобчилар қонун бузилишини ўйлаб бундай қилишни ўзига эп кўришмабди. Тўғри-да, арзимаган чойчақани деб, отнинг каласидай жарима тўлашни ким истайди, дейсиз?! Боз устига текширишга келганлар бирорта хато топилсайди, деб тургандан кейин.

Уяли телефон ўчириб қўйилгач, хуноб бўлган ҳисобчилар уйига қўнғироқ қилиб, муаллифнинг болаларидан дадасининг қўл телефонини аниқлаб олишибди ва унга хотинингиз тезроқ келиб қалам ҳақини олиб кетсин, дея икки марта огоҳлантирибди.

Ноилож, муаллиф иккита (бири "экспресс") транспортга алмашиб, 280 сўмга чипта олиб таҳририятга келибди. Ғазначидан 520 сўмни санамай олиб, ҳужжатга имзо чекиб, қайтишда яна ўша йўл билан 280 сўмнинг баҳридан ўтишга мажбур бўлибди. Бундан бир ойча илгари икки қоғозли мақоласини таҳририятга етказиш учун бориб-келишда ҳам 560 сўм тўлаган экан. Жами 1120 сўм. Эр-хотин бундай ҳисоблаб кўришса, йўлкира ҳақидан ташқари уяли телефон харажати уч ярим минг сўмга тушибди.

## "ХОТИНИ УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР"

***Бир ҳамкасбим ҳикоясидан:***

Вилоятдаги ёшлар газетасида ишлаётган пайтимда газетанинг "Хотира ва қадрлаш куни"га бағишланган сони бироз кечикиб қолди. Ҳар гал газетани диққат билан ўқирдим. Ўша куни нимадир бўлиб 1-саҳифага аҳамият бермай номерни топширворибман. Эртаси куни муҳарриримизни ҳокимликка чақиришди. У бир соатларда шумшайиб келди-да: "Чатоқ бўлибди-да, қўпол хато кетибди", — деди. Газетани қўлга олиб қарасам, 1-бетда "хотира уйғонса гўзалдир" деган рукн ўрнига "Хотини уйғонса гўзалдир" деб ёзилган экан. Муҳарриримизни роса "тузлашибди".

— Узр, — дедим минг хижолатда, — кейинги сонда тузатиш бериб юбораман. Газетанинг кейинги сони тайёрланаётганда, биринчи қилган ишим тузатиш ёзиш бўлди. Аммо уни топшириш менга насиб қилмади, зарур иш билан Боёвутга кетгандим, келиб газетанинг янги сонини не кўз билан кўрайки, "Хотини уйғонса гўзалдир" рукни "ҳокими уйғонса гўзалдир деб ўқилсин" деган жумла турарди...

## ЎЙНАЛМАЙ ҚОЛГАН ГАРОВ

Бир тележурналист қиз билан хизмат юзасидан Қашқадарё вилояти бўйлаб сафарга чиқдик. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи, майор Бурҳон Турдиев ҳамроҳлигида Яккабоғ туманига кетаётиб, йўл-йўлакай Тоҳир ва Зуҳранинг рамзий қабрини ҳам зиёрат қилдик. Ён-атрофни айланиб юрарканмиз, зиёратгоҳ ичидаги Тоҳирни оқизиб кетаётган "дарё" (қўлбола ҳовуз) олдига келиб тўхтадик. Ҳайрат билан томоша қилаётган ёнимдаги тележурналист қиз менга қараб: "Сиз шу сандиқ ичига тушиб оқиб кетаверсангизда, гўё эртакдаги қайиқда сузиб бораётган канизаклардай сизни қутқариб қолсак, кейин бир-биримизни Тоҳир ва Зуҳралардай қаттиқ севиб қолсак, қандай бўларкин", деб ҳазиллашди. Шунда мен:

— Сандиққа тушишга тушаману, бироқ мени тутиб олишларингга кафолат йўқда, оқиб кетишим ҳеч гап эмас , дедим.

— Майли, тушинг-чи, кўрамиз.

— Бўпти, сандиққа тушганим бўлсин, нимадан гаров ўйнаймиз?

— Юз доллардан. Сиз оқиб кетсангизу, мен тутолмасам, гап йўқ, тўлайман.

— Долларингиз ўзингизга сийлов, яхши қиз, барибир ютқазишингиз аниқ. Гаров ўйнамай қўяқолайлик. Сабаби шуки, Тоҳир оқиб кетаётганда қайиқда сузиб келаётган бир гуруҳ канизаклар сандиқни арғамчидай узун сочларига боғлаб, қирғоққача тортиб келишган. Сизнинг сочингиз эса елкангизга ҳам тушмайди, — деганимдан сўнг у гаров ўйнамаганимдан хурсанд бўлганди.

**Азамат СУЮНОВ**



Mustaqil gazeta HURRIYAT

## Дараклар

### ҲАРБИЙЛАР АЧЕХНИ ТАРК ЭТДИ

***Ачех вилоятидан Индонезия ҳукумат кучларининг сўнгги қўшинлари тарк этиши, бу ерда бўлгинчи кайфиятдаги исёнкорларга қарши бошланган фуқаролар уруши якунланишини англатади.***



Ҳарбийларнинг олиб чиқилиши Индонезия ҳукумати «Озод Ачех ҳаракати» билан шу йил августида эришган тинчлик битимида зиммасига олган вазифаларнинг сўнггисидир. Келишувга биноан, Ачехни жами йигирма тўрт минг аскар тарк этиши керак, бу ерда фақат маҳаллий аҳоли вакилларидан таркиб топган чекланган сондаги ҳарбийлар ва полициячилар қолиши ва ўз навбатида исёнкорлар қуролларини топширишлари лозим. Шу вақтгача халқаро кузатувчилар ихтиёрига 800 та қурол топширилган. Ачеҳдаги қарама-қаршилик 26 йил давом этди, шу вақт мобайнида 15 минг киши қурбон бўлган. Қон тўкишларга чек қўйилишига туртки берган асосий омил бир йил илгари Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган даҳшатли тўфон - цунами бўлди.

Ҳозир Ачеҳда 120 дан ортиқ халқаро ташкилотлар фаолият юритаяпти.

Минтақадаги «Би-би-си» мухбирининг хабар беришича, бу ердаги барча муаммолар ҳал этилган бўлмаса-да, тинчлик ўрнатиш жараёнининг дастлабки босқичи осойишта ўтган.

### РОССИЯ-УКРАИНА: ГАЗ ИНҚИРОЗИ

***Россия билан Украина ўртасидаги газ баҳсига илк бор аралашган Президент Владимир Путин, Украинага 3,6 миллиард доллар миқдорида кредит олишни таклиф этган. Бу маблағнинг Россия гази қимматлашиши таъсирини камайтириш мақсадида ишлатиш маслаҳат қилинган.***



Янги йилга уч кун қолганида Украина Энергетика вазири Иван Плачков Москвага бориб, газ инқирозидан чиқиш йўлларини муҳокама қилган.

Маълумки, 2006 йил 1 январидан Россия Украинага узатиладиган табиий газининг ҳар минг кубометри учун 230 АҚШ долларида ҳақ тўлашни талаб қилаяпти, шу пайтгача Украина 50 доллардан тўлаб келаётган эди. Бундай нарх кўтарилиши украиналиклар ва умуман мамлакат иқтисодиёти учун қаттиқ зарба бўлади. Украиналиклар назарида газ нархини кўтариш Москванинг зарғалдоқ инқилоби учун ўч олишидир.

Украина Президенти Виктор Ющенко, мамлакати 230 долларлик нархга рози бўлмаслигини айтган. «Бу - бизнинг иқтисодиётларимиз, миллатларимиз ва давлатларимиз ҳамкорлигига хизмат қилмайдиган шарт. Бундай нарх қўйилиши фитнадир»,- деган Виктор Ющенко. Агар Москвадаги музокараларда томонларни қониқтирадиган ечимга келинмаса, Россия 1 январдан Украинага газ узатишни тўхтатиб қўйиши ҳақида огоҳлантирди ва янги йилнинг биринчи куни Москва вақти билан соат 10-00да Украина фойдаланаётган газ мурувватларини ёпиб қўйди. Бунга жавобан Украина ўзининг ҳудудидан Оврўпога узатиладиган транзит газ магистралидан 15 фоизгача газни ўз эҳтиёжи учун ола бошлашини эълон қилган. Кечаги маълумотларга кўра, Европанинг бир қанча давлатлари Россиядан келаётган газ миқдорининг камайганини билдиришди. Россия ўз навбатида Европадаги шерикларини Украина орқали ўтказаётган газ миқдори шартномаларда кўрсатилган миқдордан кам эмаслиги, акс ҳолда жавобгар Украина тарафи экани ҳақида огоҳлантирган. Польша, Германия каби давлат раҳбарлари Украина ва Россия раҳбарларининг ҳар иккала томон учун ҳам маъқул йўл тутишга чақирган.

### МОЛДАВИЯ ҲАМ ГАЗДАН «ЎЧИРИЛДИ»

***Молдавиянинг ҳам Украина каби янги шартнома имзоламагани боис Россия газидан фойдаланиш мурувввати бураб қўйилди. Бу ҳақда душанба куни Молдова президентининг мамлакат раҳбарияти билан ўтказган мажлисида хабар берилди. Юзага келган вазиятда ҳукумат қошида энергетика хавфсизлиги муаммоларини ҳал этиш учун тезкор штаб ташкил қилинди, деб хабар беради, «ИТАР-ТАСС» ахборот маҳкамаси.***

«Газпром»нинг расмий вакили Сергей Куприянов «Молдовия билан 2006 йил учун келишувга эришилмаганини" тасдиқлади. Унинг сўзларига кўра, Молдова тарафи яқин кунларда барча масалаларни ҳал этишни ва шартнома имзоланишига ишонч билдирган. Куприянов Молдавиянинг газ нархи бўйича "Газпром"га киритган таклифининг асосли эканини ҳам айтган. "Икки кундирки, Россиядан Молдовияга газ келмаяпти. Мамлакат бўйича газ истеъмолини қисқартиришга мажбурмиз. Ҳозир Кишинёвда Молдовия ҳукуматининг мажлиси бўляпти ва унда энергияни иқтисод қилиш ва республика бўйича газдан фойдаланишни қисқаритириш муҳокама қилиняпти" дейилади тарқатилган ахборотда.

«Газпром»нинг ҳар минг кубметр газ учун белгилаган 160 доллар нархи тўла бозор нархи эмас ва Молдавия россиялик таъминотчилар билан музокараларни давом эттиради" деди мажлисда Молдова президенти Владимир Воронин. Унга кўра, Молдавия тарафи барча иқтисодий ҳисоб-китоблар билан газнинг асл баҳосини белгилаган, аммо Россия иқтисодий асосларсиз нархни кўтариб юборган.

### КЎҲНА ҚИТЪАДА ҲАҚИҚИЙ ҚИШ

***Европанинг қарийб барча давлатларини сўнгги кунлар ичида "маҳв" этган қор бўронлари мутахассисларнинг айтишича, охирги 20 йил ичида юз берган энг кучлисидир.***



Қитъанинг шимоли ва марказида вазият анча танг. Франция, Германия ва Италия ҳукуматлари ҳайдовчиларнинг зарурaтсиз машиналарига ўтирмасликларини маслаҳат беряпти. Йўлларнинг яхлагани, бир қанчасининг қор босгани, дарахт ва симёғочларнинг ағдарилгани ва бунинг устига тинимсиз ёғаётган қор фалокатга сабаб бўлиши мумкинлигидан шундай чора кўришга мажбурмиз, дейди франг полиция маҳкамаси мутасаддиси. Данияда эса кишиларнинг умуман кўчага чиқмасликлари маслаҳат берилган. Албатта, рус қиши олдида Европадаги қиш "ип эшолмайди". Аммо оқбилак ва ҳамма нарсанинг тайёрига ўрганган европаликнинг 15-17 даража совуққа бардош бериши душвор-да. Ана, Сибирда 40-50 даража қаҳратон совуқ бўп турган пайтда ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар иссиқлик таъминотидан узилиб қолгани кунда-кунора хабар қилинади. Буни қарангки, шу ерларда ҳам бировнинг совуқдан қотиб қолгани ёки транспортнинг тўхтаб қолгани ҳақида хабар берилгани йўқ.

Россиядан фарқли ўлароқ илиқ қиш иқлимига ўрганган Европада бундай ҳолатлар электр таъминоти, йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайишига сабаб бўлади. Масалан, Буюк Британиянинг Кент графлигида болаларнинг шўхлиги ва уларнинг қорбўронидан азият чеккан кишиларнинг нақ 75 таси полицияга мурожаат қилган. Бунинг устига бир неча футбол матчлари ва пойгалар бекор қилинибди. Йўлларда фалокатлар кўпайган. Матбуотда эса мамлакат шимолида ҳарорат рекорд даражада тушиб кетгани ҳақида маълумотлар берилаяпти. Уни-буни қўйинг-у, Россия ва Украина ўртасидаги газ муаммоси бир ёқдан, бир ёқдан кутилмаган қаҳратон қиш Европада ҳукмини ўтказаётган кўринади.

**Фароғат ЭШБЕКОВА**
**тайёрлади**

## Қулайлик


ASAKA BANK

### БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН МЕТРОПОЛИТЕНДА ФОЙДАЛАНИШ

Пластик карточка аслида беҳад кўп банк хизматларидан фойдаланиш калити десак муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам мазкур восита кун сайин тилга тушиб бораётир. Пластик карточкалардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланилиши одатий ҳолга айланиб бораяпти ва жумладан, яқинда Тошкент метрополитени билан ҳамкорликда пойтахт метросида йўлкира ҳақини "Асака" банки сўм карточкалари орқали тўлов тизими фойдаланишга топширилди. Шу мақсадда махсус маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш мосламаси яратилди. Биттадан мослама метронинг ўтиш жойларига ўрнатилди.

Лойиҳа иқтисодий нуқтаи назардан ўзини оқламаслиги мумкин, бироқ унинг тадбиқ этилишидан биринчи галда банк пластик карточкалари қўлланиладиган соҳалар, накд пулсиз ҳисоб-китоб кўламини кенгайтириш, аҳолининг банк хизматларидан фойдаланишда фаоллигини ошириш кўзда тутилган.

Пластик карточкаларнинг ҳисоб-китоб воситасида фойдаланилиши метрода йўловчи ташишда тўлов жараёнини енгиллаштиради, шунингдек алмаштириш учун олиб юриладиган майда пул муаммосидан халос қилади. Таҳлиллар, аҳоли ўртасида метрода пластик карточкалардан фойдаланишнинг оммалашиб бораётганини кўрсатмоқда. Мисол учун, ўтган 2005 йилда метрода юриш учун 60 мингга яқин йўловчи ундан фойдаланган.

Пластик карточка эгаси, карточка банклараро муносабатлар иштирокчиси бўлган қайси банкка тегишли бўлишидан қатъи назар, метрополитенда фойдаланиши мумкин. Бунинг учун пластик карточка очиқ ҳисоб рақамига пул ўтказиши кифоя.

Шуниси диққатга сазоворки, банк карточкаларидан метрополитенда фойдаланиш Россия пойтахти Москвада энди ишлаб чиқилмоқда. Москва метрополитени бошлиғи Дмитрий Гаевнинг "Интерфакс" агентлигига берган маълумотларига кўра, йўловчиларга Москва метрополитенида йўлкира ҳақини тўлаш имконини берувчи тизим 2006 йил январидан бошлаб ўрнатилади.

Ҳали одат тусига кирмай турган соҳаларда ҳам пластик карточкалардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш Асака банки томонидан муттассил давом эттирилади. Бу саъи ҳаракатларнинг барчаси юртимиз аҳолисининг замонавий тўлов воситаси бўлмиш – пластик карточкаларга ишончини оширишга қаратилган.

**"Асака" банки ташкилотларга ходимлар ойлик маошларини пластик карточкалар орқали тўлаш лойиҳасига, савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаларига эса – автоматлаштирилган тизим ва доимий мижозларга чегирмалар қўллаш тизимига ўтишни таклиф қилади (чегирмалар дастурлари).**

**Савол ва мурожаатлар билан "Асака" банкининг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.**

***Маълумот учун тел.:***

| | |
|---|---|
| ***120-83-77*** | ***Тошкент шаҳар филиали*** |
| ***120-84-13*** | ***Тошкент вилоят филиали*** |
| ***120-39-18*** | ***Автотранспорт филиали*** |
| ***144-56-55*** | ***Шайхонтоҳур филиали*** |
| ***120-80-84*** | ***Сергили филиали*** |
| ***125-16-33*** | ***Юнусобод филиали*** |

®


## Тафаккур

***Америка барча Фордлари, Линкольнлари, Вашингтонлари ва Эдисонларига қарамай америкача идеализм ва америкача ишбилармонликни ўзида ёрқин акс эттирган Мери Беккер — Эдди каби шахсни ҳали яратмаган.***

**С.ЦВЕЙГ**

# МЕРИ БЕКЕР – ЭДДИ

Кишилар онгидан жой олган таълимотлар ҳеч қачон унут кетмайди, имкони туғилганида улар қайта жонланади ва қалби буюкликка, шоншуҳратга даъвогар шахсларнинг маслагига, эътиқодига айланади. Месмер ва Пюнсегюр вафотидан кейин уларнинг таълимоти унутилмади, балки уни Америка қитъасида Мери Беккер-Эдди давом эттирди. Тўғри, Месмер билан Мери ўртасида бевосита боғлиқлик йўқ, бироқ улар психотерапиядан фойдаланишни ўз кашфиётларига айлантирганларида яқиндир.

«О, мўжизали ҳаётим! – деб ёзади Мери ўзи ҳақида, - Сенга оид тафсилотларнинг миллионидан бирини билганларида эди! Бироқ уни ҳозир билиш мумкин эмас, унга асрлар керак». Чунки кишиларни даҳонинг чеккан изтироблари эмас, яратган ихтиролари хушнуд қилади; ижодкор руҳ дуч келган ва енгиб ўтган машаққатларни фақат ўша руҳнинг ўзигина тўла туйиши мумкин. Балки вақти келиб ушбу руҳга ошно руҳ пайдо бўлади, ана шунда вақт ҳакамга айланади. С.Цвейг нима учун Мери Бекерни ўз қаҳрамони қилиб олганини тафсирлаб ёзади: «Америка романтизми ҳақида аллақандай Вильям Жеймснинг расмий-академик идеализми эмас, балки таълимоти учун телбаларча мардона курашган ушбу аёлнинг ҳаёти кўпроқ манба бера олади».

Мери 1821 йили 16 июлда фермер оиласида дунёга келади. Ёшлигидаёқ у ён-атрофидагилардан ажралиб туришга, ҳаммага ўз сўзини, ўз майлини ўтказишга интилади. Натижада унда инжиқлик, такаббурлик, фақат ўз ҳаловатини ўйлаш, С.Цвейг таърифига кўра, «бошқалар устидан ёвузона ҳукмронлик қилиш, ўз ниятига етиш учун ҳар қандай айёрликни ўйлаб топиш хислати шаклланади». Унга мактабнинг шовқин-сурони ёқмайди, шу боис уни тарк этади. Уй, хўжалик юмушларига нафрат билан қарайди ва умрининг охиригача улардан хазар қилади. Устига устак тез-тез сохта касалликлари билан оила аъзоларини безор қилади; фақат нима учун бу дунёга келганини билмаган ва билишни истамаган кишигина маҳдудотга, ҳатто ўз яқинларига ҳам беписанд қарайди. Мери ҳамма учун ортиқча ғамташвишлар манбаига айланади, унинг қалбида ўзига ҳам бўйинсунмайдиган ўжар, бераҳм, аммо изззатталаб демон яшарди. Шунинг учун у 22 ёшида эрга тегиб, Жанубий Штатларга кетганида уйидагиларнинг қанча шод бўлганини тасаввур қилиш мумкин. Валек бу шодлик узоққа чўзилмайди, ногоҳон эри сариқ безгакдан ўлган Мери яна қайтиб келади. Ёш бева қалбини тушкунлик ҳам қоплаб олади; у бу дунёдан деярли воз кечади. Уни на туғилган фарзанди, на ўзини боқиш, на бирор амали билан ота-онаси, ака-сингилларини қўллаб-қувватлаш ўйи қизиқтиради. «Унинг беором «мен»и ўзидан бошқа ҳеч нима билан қизиқмайди». Натижада сохта касалликлари ҳақиқий касалликка, сохта исёнлари бадфеълликка, ўжарлиги бошқаларни ўзига маккорона бўйинсундириш усулига айланади; қўлоёқлари ҳаракатдан тўхтаб, фалаж уни тўшакка ётқизади. Тақдирнинг ҳайратли ўйинига қарангки, шундай бекор, бедаво, бадфеъл, фалаж бевани энг ардоқли ёри сифатида оила қурмаган, кўпгина қизлар висолига мунтазир Даниэл Паттерсон қўлида кўтариб никоҳга олиб боради. «Эҳтиросга энг аввало кўнгли юмшоқ ва калтафаҳм кишилар банди бўлади» деганларига бу ёрқин мисолдир. Деярли ўн йилга чўзилган турмуш Даниэлга бахт-саодат келтирмайди; у нафақат бутунлай касал, фалаж, шу билан бирга ўжар, бедил, жанжалкаш аёл билан яшашдек омадсизликка дучор бўлганди. 1861 йили бошланган фуқаролар уруши уни андуҳосо турмушидан халос қилади.

Қирқ икки ёшига борган Мери яна ота-онаси, сингиллари олдига қайтади. Яна ўша инжиқлик, касаллик, жанжал устига жанжаллар бошланади. Бирор кун ёки баҳона йўққи, Мери барчани оёққа турғизмаган, ўз ҳукмини ўтказиб сингилларини зир югуртирмаган. У ҳам бошқалар каби тинч, севган кишилари билан оила қуриб яшашни ўйлайди, аммо қалбидаги бераҳм, ўжар демон уни ўзи ҳам англаб етмаган қандайдир сирли, мавҳум бир йўлга даъват этади. У фақат ушбу демонига итоат этиши мумкин. Алҳаққи, буюк мақсадлар учун туғилган кишиларни ақлу-идрок эмас, кўпинча бежилов ва бераҳм туйғулар, ички даъватлар бошқаради, шунинг учун ҳам буюклик билан бераҳмлик ораси – бир қадам.

Доктор Пуайен, Месмернинг шогирди, магнетизм ва гипнозни тарғиб этиб АҚШга келади. Ундан соатсоз Квимби, Мери замондоши, кишиларни даволашни ўрганади ва қисқа вақт ичида «дўхтир - мўъжиза»га айланади. У барча сир гипнозда деб ўйлаган, кейинчалик эса бемордаги "касалман" деган ўйни мавҳ этиб, уни даволаш мумкин деган хулосага келади. Бу аслида Месмер бошлаб берган, Мери Бекер-Эдди давом эттирган психотерапия усули эди. Ўзи ҳам яшашдан умуман тўйган, ёнидагиларни ҳам ҳаётдан тўйдирган, бутунлай фалаж ётган Мери нажот сўраб Квимбига мурожаат қилади. Унда битта умид ва битта имкон қолганди, у – соғайиш. Унинг бутун фикри-зикри, иродаси, қалбидаги демони соғайишни талаб қиларди. Мўъжизани қарангки, бир ҳафтада Квими уни оёққа турғизади. "Алҳаққи, – деб ёзади С.Цвейг, – мўъжиза бор бўлса, у кишининг ичдан узоқ ва астойдил кутгани туфайли рўй беради". Хуллас, Меридаги соғайишга ирода уни фалаждан, ўлимдан халос қилади; айнан соғайишга ишонч уйғотиш унинг даволаш усулига айланади. Мерини ёзувчи Лазарга, Квимбини эса Исо пайғамбарга қиёслайди. У мутлақ ҳақ, "инсон ботинида ҳар доим ҳам ўзини ошкор қилавермайдиган, қулай они келишини кутиб ётадиган бир изз яширинган, ушбу изз имкон топилган заҳоти пўртанадек тепага отилиб чиқади ва ақл, хаёл, ўй, орзу, ирода ҳамда эҳтиросларни кетидан эргаштириб кишини бепоён, улуғвор, ҳатто илоҳий манзилларга судраб кетади. Барча буюк диний таълимотлар ва буюк ғоялар ана шундай руҳий-маънавий куч-қудратдан туғилган".

Бошда Мери шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб халоскори Квимбининг даволаш усулини тарғиб қилади. Кейин у ички бир туйғу билан англайдики, Квимбини эмас, ўзини шарафга бурказши керак.




У Квимбидан мутлақ юз ўгиради ва ўз таълимотини яратиш учун ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга аҳд қилади. Ғалбида улуғвор умиди бор кишигина бедил ва маккор ҳаётга қарши тик кўтарилади, чунки унинг йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ; ушбу курашда у ё ғолиб бўлади, ё мағлуб, мағлуб бўлганида ҳам у изтироблардан мангуга халос бўлади, холос. Нимага ақли етса, қандай чоралар беморларга таъсир этса, у ёза бошлайди. Эллик ёшига кирган Меринининг елкасидаги тўрвасида беш юз бетга яқин қўлёзмадан бошқа ҳеч вақо йўқ; у ҳамон ошёнсиз, мададсиз, ҳамроҳсиз, умид қилаётган таълимоти ва даволаш усулини ҳали шакллантиролмаган. Бироқ илк машқлари унда умид уйғотади; у такаллум, даъватлар касалликни енгиши мумкинлигини кўради. Демак, ҳеч қандай дорисиз, тиғсиз, ташхиссиз беморни соғайишга ишонтириш орқали даволаш усулини чуқурлаштириш даркор. Шу тариқа Мерида топган усулига чуқур эътиқод уйғонади. "У шу даражада ўзига ишонадики ва ўз эътиқодида мустаҳкамки, унга ҳар қандай далил, даво таъсир қилолмайди. Ундаги мантиқ бутун дунё мантиғидан кучли. У нима деса – ҳақиқат, бошқаларнинг дегани – ёлғон. У нима қилса – мукаммал, бошқаларнинг фикри аҳамиятли эмас; у зиҳрланган танк каби турли тўсиқлар орасидан ўзига ўзи далда бериб олға силжийди". Такаллум ва даъватлар билан Мери истаган кишиларни ўзига бўйсундириши, истаганча бойлик тўплаши ва шон-шараф топиши мумкинлигини ҳам англайди. Йигирма ёшида эллик яшар қари кампир кўринган Мери эллик ёшида йигирма яшар, қалби улуғланишга, севишга ва севилишга мунтазир маликадек сезади ўзини. Ғалбида уйғонган туйғу боисини гоҳо аёлнинг ўзи ҳам билмайди, валек Мери Бекер шогирди ва ҳамкори Ричард Кеннединнинг унга авлиё деб эмас, аёл деб қарашини истайди. Ёш йигит устозининг истакларини тополмайди, натижада арзимас баҳона билан Мери уни ёнидан қувади. Фақат заиф, қўрқоқ ва фаҳми ноқис кишиларгина ўз шуҳратини бошқалар билан баҳам кўради.

1875 йили Мери Бекер кейинчалик "Насронийлик илми" таълимотига асос бўлган "Саломатлик илми" деб аталган китобини нашр эттиради. Тез орада у "тарсолар" учун иккинчи "Хуш хабар"га айланади. Ундаги асосий ғоя қуйидагилардан иборат. Худо одамни ўзига монанд яратган. Маълумки, одам ҳам ушбу сифатларга эга. Касаллик, қарилик ва ўлим Раб атрибутига зид, улар адашган ўйлар ҳамда тасаввурларнинг, натижасидир. Ушбу адашишдан халос қилган заҳоти киши касаллик, қарилик ва ўлимдан халос бўлади. Одам материя эмас, балки руҳдир. Руҳ эса оғриқ билмайди; у қаримайди ҳам, ўлмайди ҳам. Касалланиш, қариш ва ўлиш материяга, танага хосдир, шу боис улар материя, тана каби ўткинчидир. Беморни ўткинчи материя, танага хос касаллик, қарилик ва ўлимдан халос қилиш учун унинг онгида шаклланган хато тасаввур – "касалман" деган ишончни мавҳ қилиш лозим. Бу аслида психотерапияни Исо таълимоти билан боғлашдир. "Ҳа, – деб ёзади Мери Бекер, – тарсолик илмини ўрганмагани боис кишилар сохта касалликларга ваҳимали даражада кўп мубталодир; энг хавфли касаллик касалликка ишонишдир. Ушбу ишонч бедаво маразга айланиб, янги-янги кишиларни изтиробларга, ўлимга элтмоқда". "Мен касалсан" деган сохта ишонч авлодлардан авлодларга ўтиб инсониятни чалғитиб келади; у тўла мавҳ этилса, ерда илоҳий роҳат-фароғат қарор топади. "Кишини у қўрққан касаллик ўзига мағлуб этади; у касалликка қанча кўп вақт ажратса, касаллик ҳақида қанча кўп ўйласа, ушбу мараз онгдан шунча чуқур жой олади ва натижада ундан қутулиш қийинлашади. Беморлигини овоза қилиб беморлар ўзига ўзи зиён етказади". Мери Бекер касалликка эмас, "касалман" деган фикрга қарши курашади; унинг назарида айнан ушбу фикр барча дардларнинг боисидир. Шифохоналар, дорилар, муолажаларнинг кераги йўқ, асло.

Батамиз ақлу идрок юқоридаги ваъзларга қарши чиқади. Шифохоналар, дори-дармонлар ва медицинанинг кераги йўқми? Инсониятнинг бу борада тўплаган тажрибалари энди зарур эмасми? Майли, "касалман" деган сохта ўйни хаёлдан ҳам қувдик дейлик, бироқ, масалан, синган оёқ оғриғи вужуддан кетмайдику?! Наҳотки, қарилик ва ўлимни тўла мавҳ этиш мумкин?! Руҳни мутлақлаштириш ғайриҳаётий эмасми? "Йўқ, - деб жавоб беради авлиё хотин, - ўлганимизни исботловчи ҳеч нима йўқ". У Эпикур тилидан, "тириклигимизда ўлим биздан узоқда, ўлганимизда эса биз ўлимдан йироқмиз" дейишга ҳозир. Тириклигимиз ўлимдан узоқлигини исботласа, вафотимиздан кейин эса ўлимнинг борлигини исботлашга ҳожат йўқ. Шу тариқа Мери ўз фикрида собит, уни юқоридаги қароридан қайтара оладиган важ йўқ. "Улар, шубҳасиз, маънисизликдир, лекин ушбу мантиқсизлик шундай ақлга сиғмас мантиқ билан асосланадики, натижада ўзига хос система ҳосил бўлади" (С.Цвейг) бу системанинг мавжудлигини Мери Бекер минг-минглаб, ҳатто миллионлаб кишиларни дардлардан халос қилгани билан исботлаши мумкин. Ғоялар, таълимотлар, системалар ҳақида қандай мадҳлар тўқишмасин, уларнинг асл қиммати кишилар ҳаётига таъсири билан ўлчанади, ушбу мезондан узоқ назарлардан ҳаёт ҳам узоқдир. XIX асрда ҳеч бир киши Мери Бекер каби минглаб, миллионлаб кишилар тафаккурига таъсир қилмаган, XIX асрда ҳеч ким Мери Бекер каби шоншуҳратга ва куч қудратга эга бўлмаган. "Насронийлик илми", – дейди ёзувчи, – янги дунёдаги энг қудратли тўлқин эди; у ўзининг ҳаммабoплиги, фидойилик талаб қилмаслиги ва Исо таълимотига таянгани боис Америка, Африка ва Европа қитъаларида тез тарқалди. "Барча замонларда мумкин эмас нарсани мумкинга айлантириш инсон руҳиятининг севимли машғулоти бўлиб келган. Ким кишиликдаги ушбу илоҳий эҳтиросни уйғотолса, у, шубҳасиз, ҳаёт билан курашда ғолибдир."

Беморларни даволашдан бошлаган Мери Бекер қисқа вақт ичида тарсоликка таяниш орқали янги таълимот, ҳатто дин яратиш мумкинлигини англайди. Беморларни даволаш ушбу дин учун бир маросим вазифасини бажариши мумкин. У такаббурона ёзади: "Мен тарсолик илмини ёки ҳақиқат, муҳаббат ва ҳаётнинг илоҳий қонунларини кашф қилдим, уни "Насронийлик илми" деб атадим. Раббим мени ўзининг раҳмдиллиги билан руҳий-илмий даволашнинг мутлақ илоҳий принципига асосланган ваҳийликни қабул қилишга ундади." Аслида бу Мери Бекернинг авлиёликка даъвоси эди. Унинг бу истагини тарафдорлари тез илғаб оладилар ва уни илоҳийлаштиришга киришадилар.

Авлиё бўлгандан сакбон бўлган афзал, чунки авлиёда эрк йўқ, уни ҳатто қабрида ҳам тинч қўйишмайди. Атрофидаги беором оломондан, бетиним тақиблар ва илтижолардан Мери Бекер безади, у авлиё эмас, аёл бўлиб яшашни истайди. Мери ўзининг шогирди Аза Жилберт Эддига турмушга чиқади. Ёзувчи 56 яшар Меринининг 45 Азанинг никоҳ дафтарига 40 ёшдамиз деб ёздирганига ишора қилиб, "авлиё хотин қалбида мудом эркак зоти томон кучли талпиниш" яшаган деган фрейдона хулосага келади.

Олтмиш бир ёшида Мери учинчи эридан ҳам, ҳамроҳларидан ҳам айрилади ва Бостонга кўчиб ўтади. Ғалбидаги бераҳм ва ўжар демон уни таълимотини миллионлаб кишилар эътиқодига айлантириш учун дадил курашга ёндайди. Мерида таълимоти ва даволаш усулини америкача ишбилармонлик билан қўшиб олиб бориш ўйи туғилади. У уч қаватли, замонавий безатилган бино сотиб олиб, унда Массачусет Метафизик Коллежи очади. Унда ўзи патология, терапевтика, фалсафа ва метафизикадан дарс беради, беморлар билан муолажалар ўтказади. "Насронийлик илми"ни тарғиб қилувчи шогирдлар тайёрлайди, махсус журнал ва ҳафталик газета нашр қилади. Натижада унинг кассасига долларлар оқиб кела бошлайди. У тинмай ўз китобини турли номларда, ҳажм ва кўринишларда чоп эттириб, биринчидан, ўзини тарғиб қилади, иккинчидан, фойда орттиради. Мамлакатнинг турли шаҳарлари ва бурчакларидан оқиб келаётган кишилар авлиё хотиннинг ҳар қандай истаги, ишораси ва амрини бажаришга шай. Уларнинг ташаббуси билан Бостонда Мери Бекер номига улкан черков қурилади. Насронийлик тарихида бирорта ҳам тирик авлиёга черков қурилмаган; агар Исо тирилиб келганида ва Мери билан ёнма-ён юрганида америкаликлар покдамон Исога эмас, шубҳасиз, пурфусун Мери Бекерга сажда қилган, чўқинган бўлардилар. Чунки одамга ўзи тўқиган "Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши" мақолига амал қилиб яшаш хос. Авлиё хотин номига черковлар Нью Йоркда, Лондонда, АҒШнинг бошқа шаҳарларида ҳам юзага келади. 85 ёшига тўлганида Мери Бекер – Эдди Бостонда барча черковлар устидан назорат олиб борувчи иккинчи, ўта баҳайбат черков қурдиради ва уни, тўғрироғи, қасрни Исо ва ўзининг ҳаётига оид лавҳалар, "Хуш хабар" ва "Насронийлик илми"дан олинган ҳикматлар билан безаттиради. Ҳа, ҳаёт кимни улуғлайман деса уни телбалик даражасига кўтариб шарафлайди, кимни хору зор қиламан деса уни бу дунёга сингак мисоли келиб-кетишга маҳкум этади. Тўғри, кўп нарса инсоннинг ўзига боғлиқ, валек касаллик, қарилик ва ўлим инсон ихтиёридан ташқаридадир.

Тўқсон ёшида Мери Бекер Эдининг тааб вужуди бу дунёни тарк этади; деярли қирқ йил у касаллик, қарилик ва ўлимга қарши такаллум билан курашди, минглаб, миллионлаб кишиларни эътиқоди билан даволади, бироқ ўзига келганида унинг таълимоти, муолажаси, ожизлик қилди. Бу аслида соҳирона, таассубона назарларга ҳаётнинг кўҳна ва пурҳикмат тафсири эмасми?

**ВИКТОР АЛИМАСОВ**
**фалсафа фанлари доктори**

